

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**ҲУҚУҚНИ АНГЛАМОҚ
ЎЗЛИКНИ АНГЛАМОҚ
ДЕМАКДИР**

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2010

78.342

Ҳ 87

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Ж. Пардаев
Муҳаррир	Ж. Қўнишев
Масъул муҳаррир	Ҳ. Маматраимова

Ҳуқуқни англамоқ ўзликни англамоқ
демакдир: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер
Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;
Тузувчи Ж. Пардаев; Муҳаррир Ж. Қўнишев;
Масъул муҳаррир Ҳ. Маматраимова. - Т .:
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий
к-наси нашриёти, 2010. - 32 б.

КБК 78.342+67.404я1

Ушбу методик-библиографик қўлланма ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда инсон ҳуқуқларига оид зарур маълумотлар жой олган ҳамда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар мутахассислари ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 йил

СЎЗ БОШИ

*Инсон ҳар қандай нарсага чидаши мумкин
лекин адолатсизликка чидай олмайди.*

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустақкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилidir.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустақкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётга татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатларда барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури қабул қилинган.

Ушбу Дастур ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бир қанча самарали чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билими ва саводхонлигини оширишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки зиё маскани саналган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ҳам ўрни беқиёсдир.

Бу борада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассислари томонидан зиё масканларида ҳам ёшларнинг ҳуқуқий дунёқараши, ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, шоирлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, адабиётлар кўргазмаси ва уларни қизиқтирган саволлар юзасидан баҳс-мунозаралар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу қўлланма ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий дунёқараши ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тузилди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Кўрсатилган мақсадга эришишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;
- барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;

- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

- фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик, ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

- аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;

- юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

- ҳуқуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш;
- миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутади.

Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. "Инсон - давлат" муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас, балки, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Муқаммал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шарти, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонуности ҳужжатларини қонунларга қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.

Демократик ислоҳотларни монанд ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шарти қонунчиликнинг изчил бўлишидир. Қонунлар ўзаро қатъий мувофиқлашиши, Конституцияга асосланиши, миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига кўмаклашиши лозим.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсунуш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин эмас.

Давлат томонидан ҳамда жамоатчилик тузилмалари фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш зарур.

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, турли ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун зарурдир.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни, биринчи навбатда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланишлари, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек, турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, маҳаллаларнинг роли беқийёсдир. Улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда муттасил таъсир кўрсатишлари даркор.

Жамият ва давлат фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаолият юритишига кўмаклашади.

Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали юристларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига улкан ижобий таъсир кўрсатишга қодир. Ўзбекистон юристлар уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг таркибига кирадиган юристларнинг турли касбий бирлашмалари (судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар иттифоқлари ва бошқалар) тузилиши ушбу Дастур вазифаларини рўёбга чиқаришда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек, юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлур эди. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш ишига профессионал юристларнинг кучларини жалб қилиш юристлар уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳуқуқий тарбияни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқатга қарашли бўлмаган жамғарманинг тузилиши жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оммага изчил тарқатишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи

демократик институтлар бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш зарурияти борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш

Жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир.

Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш - маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни муттасил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

Ҳуқуқий тарбия ва таълимни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

- давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда такомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

- аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш;

- ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

- ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга ошириш;

- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

- ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

- дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш;

- таълим ва тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар,

ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқаларни жалб қилиш;

- юридик ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитларида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усулларини жорий этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг восита ва усулларини такомиллаштириш мақсадида:

- фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

- мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш керак. Чунки улар қонунларни қатъий ижро этишга, ҳуқуқнинг сўзсиз амал қилишини таъминлашга, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг янги шакллари жумласига киради.

Юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юридик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади.

Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий

маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Айнан шу сабабли ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмдан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Ҳуқуқни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади. Бу жиҳатдан қонунларни ва, айниқса, идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида нашр этиш зарур. Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган "Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси"нинг тиражини кўпайтириш ва унга эркин обуна бўлишни таъминлаш лозим. Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари бўйича, шунингдек, аҳолининг муайян гуруҳларига мўлжалланган норматив ҳужжатларнинг мавзуй тўпламларини нашр этиш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олишни таъминлашга катта ҳисса бўлур эди.

Замонавий ахборот таъминоти компьютер технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг илмий асосланган ягона маълумотнома тизимини ишлаб чиқиш ва ундан муштарийларнинг бемалол фойдалана олишини таъминлаш зарур.

Кенг ўқувчилар доирасига ҳам, аҳолининг айрим гуруҳларига, шу жумладан, мансабдор шахсларга ҳам мўлжалланган оммабоп маълумотнома адабиётларни нашр этишни анча кўпайтириш аҳолини ахборотлар билан таъминлашни яхшилаш ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим йўналишига айланмоғи лозим. Амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш масалаларини тушунтириб берадиган ва давлат органлари ходимларига, шунингдек, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг раҳбарларига мўлжалланган шарҳлар ва амалий қўлланмаларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги ҳиссасини кескин ошириш зарур.

Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

тизимда, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини, албатта, ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Турли тоифадаги ходимлар малакасини ошириш табақалаштирилган бўлмоғи лозим. Авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда ҳуқуқий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашади.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги; ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор; ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқуқнинг ўрни; ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги; ҳуқуқий онгга таъсир этиш шакллари ва усуллари; ҳуқуқий онгнинг психологик жиҳатлари; ҳуқуқий онгдаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар; аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши, айниқса, долзарбдир.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман, жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўллаш зарур.

Хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни хуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги хуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномалар нашр этишни кўпайтириш аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак.

Ҳуқуқий тарғибот зарурати
(Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш
Миллий Дастурининг ижроси хусусида)

Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўзининг аниқ ривожланиш йўналишларини белгилаб олди. Бу йўналишлар, мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик жамият қуришга қаратилган. Бу эса муҳим сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлаш масалаларига ҳам жиддий ёндашувни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари 1997 йил 20 май куни ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда: "Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Мустақиллик - ҳуқуқ дегани" -деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртбошимиз халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига янада тезроқ етказиш масалалари хусусида тўхталиб, "Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этияпмиз. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор", -дея муносабат билдирган эди.

Ушбу вазифаларнинг давоми ўлароқ, 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги ПФ-1791-сонли Президент Фармони қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти ва уни ривожлантириш тамойиллари, жамият, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг долзарб муаммолари ҳамда уни бартараф этиш

йўллари белгилаб берди. Унда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу вазифалар 1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида тасдиқланган "Кадрлар тайёрлаш" ҳамда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Миллий Дастурларида ҳам ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида "Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечими", "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Миллий Дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни", "Ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришда давлат органлари ҳамкорлигининг истиқболлари" мавзуларида семинар-кенгашлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишларига давлат органлари вакиллари билан бир қаторда, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчиларни, жамоатчилик вакиллари ҳам жалб қилиш ва уларнинг бу борадаги фаолиятини кенгайтириш мақсадида "Ҳуқуқий онгдан - юксак ҳуқуқий маданият сари", "Республикада ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш истиқболлари", "Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари" мавзуларида илмий-амалий конференциялар ташкил қилинмоқда ва уларнинг материаллари алоҳида тўпламлар шаклида нашр этилмоқда.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, Республика Бош прокурори ҳамда Ички ишлар вазири ўртасида "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги Меморандум имзоланди.

2006 йилнинг иккинчи ярми ва 2007 йил давомида Тошкент шаҳри маҳаллалари, хотин-қизлар кўмиталари, мактаблари, коллеж ва академик лицейларида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш бўйича режалар белгиланиб, бу борада изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундай ҳамкорлик республикамизнинг барча минтақаларида жорий этилди.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларидаги

иштирокини кенгайтириш учун "Халқ сўзи", "Қишлоқ ҳаёти", "Адолат", "Ўзбекистон овози" газеталари билан ҳуқуқий тарғибот соҳасида ҳамкорлик қилиш режалари тузилди. Аҳолини ҳуқуқий тарғибот ишларига жалб этиш мақсадида ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мавзулар бўйича "Ҳуқуқ ва бурч" рукнида "Энг яхши мақола" кўриктанлови ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида "Конституция -бахтимиз қомуси" мавзусида кўриктанловлар ўтказилиб, голиблар ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассасалари ходимлари томонидан йил давомида жами 36000 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, телевидение ва радиога турли ҳил ҳуқуқий мавзуларда, газета ва журналларда 2500 га яқин мақолалар чоп этилди. Шунингдек, 197 та илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар нашр қилинди, 135 та кўرғазмалар плакатлар, буклетлар тайёрланди.

Оғзаки ҳуқуқий тарғиботлар сон ва сифат жиҳатидан яхшиланиб, 457 марта илмий-амалий конференция, 3160 та семинар ва 9308 та давра суҳбатлари, 8842 та учрашувлар ўтказилди ҳамда 7906 та маърузалар ўқилди.

Энг асосийси ҳуқуқий тарғибот ишларининг 16000 дан ортиғи туман ва шаҳар марказларидан узоқ қишлоқ жойларида ўтказилди. Хулоса қилиб айтганда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш ҳар бир инсон учун ҳаётий зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштириб, мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари одимлаб боришига асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий камолот шарти

Ҳар бир инсон, у қандай жамиятда яшашдан қатъи назар, ҳуқуқ, қонун, адолат, жиноят ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, у мавжуд ҳуқуқий баён этилган тартибларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий

маданият ва уларнинг даражаси худди мана шу масалада намоён бўлади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият инсоннинг жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий меъёрлар, қонунларни билиши ва ўз фаолиятида уларга амал қилишидир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданият даражасига кўтарилгандагина жамият тараққиётида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларни мўътадиллаштирувчи маънавий омил сифатида хизмат этиши мумкин.

Ҳуқуқий тасаввур ва тушучалар ижтимоий тарбия натижасида шаклланиб, балоғат ёшидан бошлаб ҳар бир фуқаронинг ўз ҳаёти давомида ҳуқуқни билишга ва зиммасидаги мажбуриятларни инобатга олишга, уларга нисбатан ўз муносабатини белгилашга ундайди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон худудида давлат ва ҳуқуқнинг, шу билан бирга, ҳуқуқий таълимнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ўрта асрларда, жумладан, араб истилосидан мўғул босқинигача Мовароуннаҳрда мавжуд таълим тизимининг барча шаклларида, яъни оммавий таълим ўчоқлари бўлган бошланғич мактаблар ҳамда олий ўқув юртлири - мадрасаларда, шунингдек, ихтисослаштирилган махсус ва мустақил ўқиш шаклларида олиб борилган.

Бошланғич мактабларда ҳуқуқни жамиятдаги ҳар бир аъзо билиши ва унга риоя этиши шарт бўлган умумий қонун-қоидалари, одоб-ахлоқ нормалари ўқитилган ҳамда улар халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини авлоддан-авлодга ўтказиш воситаси вазифасини бажарган.

Ўрта Осиёдаги мавжуд барча мадрасаларда ҳуқуқий фанлар ўқитилиши мажбурий ўқув дастурига киритилган. Ўрта асрларда бу фанни ўқитишни ҳозирги замон билан қиёслаганда, ҳар бир ўрта махсус ва олий ўқув юртида мутахассислик бўйича фан тарихи ўқитилганлиги каби мажбурий мавқега эга бўлган. Таълим соҳасидаги бундай муҳит ҳуқуқ фанининг кенг ёйилишига ва фуқаролар ҳуқуқий онгининг оммавий ўсишига олиб келган.

Айниқса, ислом ҳуқуқининг абадий ҳуқуқ сифатида талқин этилиши унинг ажодларимиз онгидан мустаҳкам жой олишга сабаб бўлган.

VIII-XIII асрларда юртимизда яратилган ҳуқуқий мерос ва ҳуқуқий таълим тизими пойдевори - шариат манбалари бўлган Қуръон, Сунна, Ижмоъ ва Қиёсгагина эмас, балки ҳанафийлик мазҳабининг таълимотига, асосан, ўзбек халқининг миллий анъанавий урф-одатларига ҳам асосланган, шу боис у собиқ совет

тузими томонидан зўравонлик билан тугатилгунга қадар узлуксиз сақланиб келинган.

Мазкур ҳуқуқий қадриятлар нафақат аجدодларимиз ҳуқуқи тарихи, балки бутунжаҳон ҳуқуқи тарихида жуда қимматли бўлиб, уларни қиёсий таҳлил этиш ва умуминсоний жиҳатларни қадрият сифатида республика замонавий ҳуқуқи ва ҳуқуқий таълимини тараққий эттиришда фойдаланмоқ лозим. Бундай тадбирлар Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти пойдеворини мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларидаги ҳуқуқий билимлар стандартлари, ўқув режаси, дарслик ва ўқув қўлланмаларига ўзгаришлар киритиш, уларни замонамизга мувофиқлаштириш ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

Масалан, ҳозирги кунда барча олий ўқув юртларида "Ҳуқуқшунослик", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курслари ўқитилмоқда.

Маълумки, ҳар бир давлат ўзига муносиб бўлган шахсларни тарбиялайди. Ҳар бир инсон эса, ўз навбатида, жамиятда содир бўлаётган бурилиш ва ўзгаришларга бепарқ қарамайди. Ўз фаолияти билан ижтимоий муҳитни ўзгартиради; меҳнати, амалиёти билан халқ турмушини яхшилашга, фаровонлигини оширишга, ижтимоий адолат меъёрларини қарор топтиришга интилади.

Демак, ҳуқуқ шахс имкониятидаги хатти-ҳаракатлар эркинлигининг меъёридир. Шахс ушбу имкониятларни, шунингдек, ҳуқуқ меъёрларининг тартибларини турли усуллар билан амалга оширади.

Ҳуқуқий қадриятларни маънавий ўзлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонлик бўлишини тақозо этади. У шахсни тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Ёшлар ҳуқуқий саводхонлиги даражасини билиш мақсадида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази социологик сўровлар ўтказди.

"Сиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қай даражада биласиз?" - деган саволга фақатгина 17,3 фоизи - "яхши биламан", 62,3 фоизи - "юзаки биламан", 20,4 фоизи эса "билмайман", деб жавоб бердилар.

Сўралган ёшларнинг аксарият қисми (75,8 фоизи) маълум даражада ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор экан. Шулардан 27,3 фоизи ўз ҳуқуқларини яхши, 48,5 фоизи эса қисман билишларини қайд этишган. Аммо "Сизнинг асосий ҳуқуқингиз нимадан иборат?" -

деган саволга берилган жавоблар шуни кўрсатдики, ёшлар конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ҳақидаги ўз тасаввурларини анча ошириб юборган эканлар. Сўралган ёшларнинг 41,9 фоизи асосий ҳуқуқ деб таълим олишни, 33,5 фоизи - меҳнат қилишни, 13,3 фоизи - дам олиш ҳуқуқини, 11,6 фоизи - яшаш ҳуқуқини ва фақатгина 9,8 фоизи - сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кўрсатганлар.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, инсон ҳуқуқий жиҳатдан билимли, юксак ҳуқуқий маданиятли ва маънавиятли бўлса, маърифий, мафкуравий жиҳатдан шунчалик мукамал шаклланган бўлади.

Иккинчидан, ҳуқуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари қонунларга бўлган ҳурматни тарбиялаш, уларга бўйсунуш маданиятини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги миллий истиқлол мафкураси ғоялари ва талабларини омма онгига сингдириш ҳамда бу масалада қандай ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини қонун ижодкорларининг ҳаётида, ўз ишларида нақадар ҳалол, одил, ҳаққоний бўлишларига бевосита боғлиқдир.

Учинчидан, ҳуқуқий билим ва маданият ҳар бир инсонга, фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, уни ҳимоя қилишга кўмаклашади. Ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлиш, уларга қатъий амал қилиш, қонун устуворлигини дилдан, қалбдан ҳис қилиб фаолият кўрсатиш кишига жуда катта таълим-тарбия беради, ҳаётда унинг беҳатар, тинч-омон яшаши ва фаолият кўрсатишига кўмаклашади. Ҳуқуқий билим ва маданият халқ ва миллат етуклигининг муҳим кўрсаткичидир.

Тўртинчидан, ҳуқуқий билими ва маданияти ўсган халқ, миллат ўзини-ўзи англаб етади, кучи ва имкониятларига ҳолисона баҳо беради, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчиликка асосланиб иш тутиш ижтимоий офат ва фожиаларнинг сабаби эканлигини идрок этади.

Бешинчидан, ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий онг жамият тараққиётига, ижтимоий турмуш ривожланишига акс таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий ғоялар, билим ва тасаввурлар, ҳуқуқий назариялар ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига кириб бориб, фуқароларнинг онгидан ўрин олиб, одамлар хулқ-атворига, амалий фаолиятига мафкуравий ва психологик таъсир этади. Ҳуқуқий онг одамларни маълум тарзда ўзларини идора қилишга, жамият қабул қилган қонун-қоидалар доирасида фаолият кўрсатишга ундайди;

Олтинчидан, кишиларнинг ҳуқуқий онги ва билимининг ривожланганлик даражасини уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятига қараб аниқлаш мумкин. Жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда, ўзини-ўзи бошқариш органларида фаол иштирок этишлари ҳуқуқий онг ва маданият даражасининг ўсиб боришига олиб келади.

**Республикамиздаги ахборот-кутубхона марказлари
томонидан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий
маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий
саводхонлигини ошириш борасида амалга
оширилаётган ишлар**

Юртбошимиз халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига янада тезроқ етказиш масалалари ҳусусида тўхталиб: "Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилди. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган", - деган эди. Бу борада барча ахборот-кутубхона марказлари ҳам ўзларининг тасдиқланган иш режаларига асосан самарали ишларни амалга оширмоқда.

АКМдаги ҳуқуқий ахборот секторларининг барчаси ўзбек, рус ва чет тилларидаги ҳуқуқий адабиётлар, матбуот нашрлари ҳамда электрон ресурслар билан таъминланган.

Бу секторларда ҳуқуқий адабиётлар фонди маълум даражада шаклланган, уларнинг ҳажми эса турлича:

Айрим АКМларнинг бу фонди 3.500 дан 7000 минггача нусхада (Андижон, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд); Қашқадарё вилоят АКМда 2700 га яқин, Навоий, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар АКМларида эса 1200-1400 нусха атрофида. Бу фонди у қадар катта бўлмаган АКМлар - Сурхондарё - 970, Хоразм -700 дан ортиқ ва Қорақалпоғистон Республикасида 766 нусха китоб йиғилган.

Ҳуқуқий мавзудаги мақолалар босиладиган вақтли ва давомли нашрлар билан АКМлар юқоридаги китоб фондиди тўлдирди ва фойдаланувчиларни янги ҳуқуқий ахборот билан тезкор таъминлайди.

АКМларда 20 дан ортиқ номда журналлар ва газеталар ҳам

олиниб, ходимлар кундалик хизмат кўрсатиш ишларида шу вақтли нашрлар саҳифаларида босилган ҳуқуқ тўғрисидаги янги ахборотлардан кенг фойдаланадилар ва уларни фойдаланувчиларга тавсия қиладилар.

Бу фонд мунтазам равишда тўлдирилиб, тарғиботнинг турли йўллари ва шакли ёрдамида тарғиб қилинмоқда.

АКМлар мутахассислари томонидан ҳуқуқий мавзулардаги картотекалар ташкил қилинган, китобхонларга эсдаликлар, тавсия рўйхатлари тузилган, адабиётлар кўргазмалари ташкил этганлар, ҳуқуқий ахборот кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу тадбирларни ўтказишда АКМлар вилоят Адлия бошқармалари, вилоят ИИБ, вилоят прокуратураси, вилоят телерадиокомпанияси, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, Камолот ЁИХ вилоят бўлимлари, мактаблар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Чунончи, Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази мутахассислари "Соғлом авлод" жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида "Сенинг ҳақ-ҳуқуқинг, болажон" мавзуида беллашув, 13-махсус мактаб интернатида "Ҳуқуқ эркинлиги - саодат калити" мавзуида интеллектуал ўйин ташкил қилган бўлса, Вилоят ИИБ ва Андижон шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда "Конституция - қонунлар калити" мавзусида тадбирлар ўтказган. "Андижоннома" газетаси таҳририяти билан эса "Конституция - инсон ҳуқуқлари гаровидир" мавзусида кўрик-танлов ташкил қилган. Бундан ташқари, коллеж талабалари учун ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида "Бола ҳуқуқлари кафолатлари" мавзусида давра суҳбатлари уюштирилган.

Бухоро вилоят ахборот-кутубхона маркази эса Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий филиали билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида илмий-конференция ташкил қилган. Ва яна шуни таъкидлаш жоизки, Бухоро вилоят ахборот-кутубхона маркази Ҳуқуқий ахборот сектори қошида ташкил этилган Ёшлар сиёсий-ҳуқуқий мактабида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ва "Амир Темур даврида ҳуқуқнинг ривожланиши" мавзуларида ҳуқуқий дарслар ташкил этилган.

Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам вилоят Адлия бошқармаси ва Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Биз

одам савдосига қаршимиз" мавзусида давра суҳбати уюштирган. Вилоят телерадиокомпанияси билан эса "Ҳуқуқий тарғибот фаолиятимиз мезони" мавзусида радио обзор ташкил этган. Бундан ташқари, вилоят иқтисодиёт коллежи билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш" мавзусида савол-жавоб кечалари ўтказилган.

Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам вилоят Адлия бошқармаси, шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиққан. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳар ойда икки марта янги ҳуқуқий адабиётлар ва матбуот нашрлари бўйича шарҳлар ташкил қилиниб келинмоқда.

Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази Термиз Давлат университети, вилоят прокуратураси, солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда "Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият", "Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий таълим-тарбия", "Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш - давр талаби", "Ўз ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?" мавзуларида мунозара кечалари, давра суҳбатлари ва семинарлар мунтазам равишда ўтказиб келмоқда.

Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича суҳбатлар ўтказиб келмоқда.

Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вилоят монополия ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона маркази эса Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги "Юридик клиника" ходимлари, касб-ҳунар коллежлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда самарали фаолият олиб бормоқда.

Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона маркази вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, лицейлар ва мактаблар билан ҳамкорликда "Фуқаролик тушунчаси", "Ҳуқуқий саводхонлик зарурати" мавзуларида давра суҳбатлари, "Ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида савол-жавоб кечалари ва "Сайловлар - муҳим сиёсий жараён", "Ҳуқуқий саводхонлик" каби мавзуларда адабиётлар кўргазмалари ташкил этиб келмоқда. Бундан ташқари, ахборот-кутубхона маркази

ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил қилинган йиллик ўқув машғулот режалари ишлаб чиқилган.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ёшларни ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш, ҳуқуқий адабиётлар тарғиботида барча АКМларда электрон ресурслардан кенг фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бу борада "Norma" ва "Право" ҳуқуқий ахборот тизимларининг ҳуқуқий маълумотлар базалари, реклама буклетлари, реклама роликлари ва бошқа манбалардан; "Lex-uz" Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий маълумотлар базасидан; Интернет ва ZiuoNet ахборот тармоқларидан ҳуқуқ масалаларига оид маълумотлар фойдаланувчиларнинг бу борадаги ҳар қандай сўроқларига жавоб беришда муҳим манбадир.

АКМларда бу электрон ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари 2000 гача сонни ташкил этади.

АКМлар ходимлари бу электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш билан чекланмай, ўзлари ҳам ҳуқуққа оид ҳужжатларнинг электрон ресурсларини яратмоқдалар. Масалан, Бухоро вилоят АКМда энг кўп сўраладиган "Экология ҳуқуқи", "Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи", "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" ва бошқа китобларнинг электрон нусхалари "Қишлоқ хўжалиги ва қонунчилик" электрон маълумотлар базаси (ҳажми 1186 Мб) ҳуқуқнинг турли йўналишлари бўйича ўзбек ва рус тилларида тўла матнли маълумотлар базасини яратганлар.

Фарғона вилоят АКМ ходимлари ҳам 10 та тўлиқ матнли файл папкаларини яратганлар.

Китобхонлар ва АКМ ходимларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш бўйича турли ўқув машғулот дарслари ва ҳуқуқий ахборот кунлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

АКМнинг ҳуқуқий ахборот секторлари ходимлари томонидан бу борада ташкил қилинган турли хил кўрик-танловлар вилоят телевидениеси, радиоси ва маҳаллий вақтли нашрлар таҳририятлари билан ҳамкорликда бевосита ёритиб борилмоқда.

Ахборот-кутубхона марказларининг амалга ошираётган бу каби тадбирларидан кўзланган мақсад - фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали қонун устуворлигига эришишдан иборат. Қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти жуда беқиёс.

Чунки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган жамият тараққиёти жадал ҳамда бардавом бўлади.

Ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирлар ўтказиш учун тавсиялар

"Ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида викторина

Ўйин шarti

Қатнашувчилар: Бошловчи, 2 та гуруҳ (6 киши), ҳакамлар ҳайъати (3 киши).

Жиҳозлар: плакатлар, шиорлар, 2 та кўнғироқ, соат.

Ўйин савол ва жавобдан иборат бўлади.

Ўйин бошловчиси 1-саволни ўқийди. Жавобни топган гуруҳ кўнғироқни чалади. Тўғри жавоблар учун 5 баллдан берилади. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Викторина саволлари

1. Республикамизнинг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи энг асосий ҳуқуқий ҳужжати қайси?

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси)

2. Инсон ҳуқуқларига доир Ўзбекистоннинг қандай ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд?

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Жиноят, Солиқ, Меҳнат, Оила кодекслари, "Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлари ва бошқалар)

3. Эркинлик нима? Ҳуқуқ нима?

(Ҳуқуқ бу давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қоидалари йиғиндисиدير. Эркинлик эса инсоннинг объектив заруриятини англаш, ўз асосий мақсад ва манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир)

4. Ўзбекистон фуқаролари неча ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга?

(18 ёшдан)

5. Қонунга кўра неча ёшдан ишга қабул қилишга йўл қўйилади?

(Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул

қилиниши, 14 ёшга тўлган ўқувчилар ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчилар розилиги билан ёзги таътиллarda, ўқишдан бўш вақтларида ишга қабул қилинишлари мумкин)

6. 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг иш вақтини аниқланг.
(Ҳафтасига 36 соат)

7. Жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, нормалар мажмуи...
(Ҳуқуқ)

8. Мамлакатда давлатни бевосита бошқариб турувчи, фармон берувчи ва ижро этувчи олий орган...
(Ҳукумат)

9. Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзасидан умумхалқ фикрини олиш...
(Референдум)

10. Мавжуд барча қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг йигиндиси...
(Қонунчилик)

11. Адвокат - бу...

(Суд жараёнида ҳимоячи вазифасини бажарувчи шахс)

12. Ҳуқуқ-тартибот органларини санаб беринг.

(Суд, прокуратура, милиция, адвокатура)

13. Детектив жанрда ижод қилган ижодкорлардан кимларни биласиз?

(Тоҳир Малик, Нуриддин Исмоилов, Жорж Сименон, Артур Конан Дойл).

Савол-жавоб кечаси

Кутубхона, АКМ ва АРМларда "Ҳуқуқшунос жавоб беради" мавзуйда кеча уюштириш мумкин. Ушбу кечага ҳуқуқшунослар ва турли тоифадаги китобхонлар таклиф этилади.

Китобхонлар кечанинг мавзуси билан аввалдан хабардор этилади. Кечага тайёрланиш давомида китобхонларнинг эътиборини тортиш учун мавзуга доир китоб кўргазмаси ташкил этилади ёки кутубхона плакати тайёрланади; китоблар фаол тавсия этилади, суҳбатлар ўтказилади, яқка тартибда маслаҳатлар берилади, таклифномалар юборилади. Тадбир ўтказишдан олдин унинг мавзуси бўйича китобхонларнинг саволлари тўпланади, сўнгра улар тизимлаштирилади.

Кечани бошловчи қисқача кириш сўзи билан очади. Иштирокчилар томонидан ҳуқуқшунос мутахассисларга биринчи савол берилади ва ҳуқуқшуносларнинг жавоби тингланади. Бошловчи ҳар бир савол бўйича билдирилган фикрларни умумлаштиради ва қисқача изоҳлайди. Сўнг бошловчи муҳокама давомида иштирокчиларда янги саволлар пайдо бўлди-йўқми аниқлаштиради. Агарда саволлар бўлса, ҳар бир саволга юқоридаги каби жавоб бериш жараёни қайтарилади.

"Ҳуқуқий тафаккур тарғиботчиси" мавзuida китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. Мозийдан садо

Илм - нарсаларни инсон асли ёрдами билан ўрганишдир.

Абу Али ибн Сино

Бу бўлимдан инсонларнинг муштарак манфаатларини кўзлайдиган Куръони Карим, "Сунна", "Ҳадис", "Темур тузуклари" каби китоблар жой олади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида

Мустақиллик - бу, аввало, ҳуқуқдир. Яъни ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ислом Каримов

Бу бўлимдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқароларнинг манфаатларини ифодаловчи ҳуқуқий саводхонлигини оширувчи, ҳуқуқий маданиятини юксалтирувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари жой олади.

3. Ҳуқуқ оламида

*Ўзингни бўлганинг каби кўрсат,
кўрсатганинг каби бўл.*

Бедил

Бу бўлимга мамлакатимизда чоп этилаётган ҳуқуқ соҳасига оид матбуот ҳужжатлари жойлаштирилади.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирлар туркуми

Т/ р	Тадбирнинг мавзуси ва шакли	Қатнашувчилар
1.	“Ҳуқуқий ислоҳот – давр талаби” мавзусида давра суҳбати	Ҳуқуқшунос мутахассислар, кутубхона ходимлари ва китобхонлар оммаси
2.	“Ёшлар ҳуқуқи – қонун ҳимоясида” мавзусида баҳс ва мунозара кечаси	Кутубхона ходимлари, педагоглар, талабалар ва ўқувчилар
3.	“Ҳуқуқий баркамоллик сари” мавзусида давра суҳбати	Кенг китобхонлар оммаси, ҳуқуқшунос мутахассислар ва ўқувчилар
4.	“Ҳуқуқий маърифат” мавзусида адабиётлар кўргазмаси	Китобхонлар оммаси, ўқувчилар ва кутубхона ходимлари
5.	“Давлат – ҳуқуқлар ҳимоячиси” мавзусида савол-жавоб кечаси	Талабалар, ҳуқуқшунос олимлар, кутубхона ходимлари
6.	“Ҳуқуқий таълим сарчашмалари” мавзусида адабиётлар кўргазмаси	Ҳуқуқшунос олимлар, талабалар ва ўқувчилар, кутубхона ходимлари

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси.
-1997. - № 9. -Б.23-34.

Аҳмедов Р., Саттаров А. Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ва қонунлар. -Т.: Адолат, 1999. -176 б.

Инсон ҳуқуқлари: Махсус курс /О. Хусанов, О. Каримова, Х. Азизов ва бошқ.; Масъул муҳаррир О.Хусанов. -Т.: Шарқ, 1997. - 144 б.

Исломов З. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси: Ўқув қўлл. / З. М. Исломов; ЎЗР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик ин-ти. -Т.: ТДЮИ, 2004. -140 б.

Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -48 б.

Каримова О. Ҳуқуқшунослик: Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлл.. -Т.: Шарқ, 2002.-160 б.

Пўлатова Б. Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари: Услубий қўлл.. - Т.: Адолат, 1999. -112 б.

Саидов А. Шарқ цивилизацияси: Инсон ва ҳуқуқ: ўтмиш ва ҳозирги замон /А. Х. Саидов, А. Ш. Жузжоний; ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази. -Т.: Адолат, 2005. -272 б.

* * *

Бақоева Ф. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси энг муҳим масала //Ишонч. -2006. -7 нояб.

Давронов З. Темур тузукларида маънавият ва ҳуқуқий тарбия //Ҳаёт ва қонун. -1996. - № 7. -Б.10-14.

Жавлиев Н. Ҳуқуқни тушунишнинг айрим муаммолари //Фалсафа ва ҳуқуқ. -2005. - № 2. -Б.77-79.

Исломов З. Ҳуқуқни англамоқ - ўзликни англамоқ демакдир //Халқ сўзи. -1994. -13 июнь.

Исмоилов А. Ҳуқуқий маданият //Фалсафа ва ҳуқуқ. -2005- №2.- Б.88-89.

Маматов Х. Ҳуқуқий маданият //Ҳуқуқ ва бурч. -2009. -№2. -Б.35.

Маматов Х. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида //Ҳуқуқ ва бурч. -2008. - №2. -Б.45-46.

Муҳаммадиев Н. Ҳуқуқий маданият //Инсон ва қонун. -2009. -18 авг.

Муҳиддинова Ф. Ҳуқуқий маданият ва тарбия муаммолари

//Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. -2002. -№3-4.-Б.49-51.

Муҳсимова Г. Ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида //Тошкент оқшоми. -2009. -24 февр.

Насриддинова О. Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий эътиқоднинг ўрни //Фалсафа ва ҳуқуқ. -2007- №7. -Б.35-37.

Раҳмонов А. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси: бу борада ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти //Ҳаёт ва қонун. -2004.- №2.-Б.43-44.

Раҳмонов А. Ҳуқуқий тарғибот зарурати //Ҳуқуқ ва бурч.-2007. - №1-2. -Б.64-65.

Раҳмонкулов Х. Ўзбекистонда ҳуқуқ фанининг ривожланиши ва вазифалари //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1996. - №6. -Б.39-45.

Рихсиева С. Ҳуқуқий маданият //Тошкент ҳақиқати. -2009. -11 нояб.

Рўзиева Қ. Ҳуқуқий тарбия пойдевори //Ҳуқуқ ва бурч. -2006. - №10-12. -Б.18.

Саидов А. Инсон ҳуқуқлари: миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги //Ҳуқуқ ва бурч. - 2007. - №1-2. -Б.51-54.

Саъдуллаева Д. Ҳуқуқий камолот шарти //Ҳуқуқ ва бурч. -2006. - №10-12. -Б.27-28.

Солиев М. Ҳуқуқий маданият ва онгни юксалтириш //Инсон ва қонун. -2009. -23 июнь.

Туленова Г. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги //Фалсафа ва ҳуқуқ. -2005.- №1.-Б.35-37.

Умаров А. Ўзликни англаш //Ҳуқуқ ва бурч. -2006. -№1. -Б.31.

Хусанова У. Ёшлар ҳуқуқи қонун ҳимоясида //Фалсафа ва ҳуқуқ. -2008.- №3. -Б.23-24.

Қодиров Н. Ҳуқуқий тафаккур тарғиботчиси //Ҳуқуқ ва бурч. -2006. -№1. -Б.11.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури.....	5
Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш.....	6
Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш.....	9
Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.....	11
Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш.....	13
Ҳуқуқий тарғибот зарурати (<i>Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастурининг ижроси хусусида</i>).....	15
Ҳуқуқий камолот шарти.....	17
Республикамиздаги ахборот-кутубхона марказлари томонидан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар.....	21
Ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича талбирлар ўтказиш учун тавсиялар.....	25
Савол-жавоб кечаси.....	26
"Ҳуқуқий тафаккур тарғиботчиси" мавзуида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар.....	27
Адабиётлар.....	29

ҲУҚУҚНИ АНГЛАМОҚ ЎЗЛИКНИ АНГЛАМОҚ ДЕМАКДИР

Методик-библиографик қўлланма

Муҳаррир *Ж. Қўнишев*
Техник муҳаррир *Жўраев А*
Саҳифаловчи *Жўрабоев Ш*

Босишга 2010 йил 6 майда рухсат этилди.
Бичими 60x84 ^{1/16} Ҳажми 2,0 б.т.
Адади 300 нусха. Буюртма №245

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33.